

0259/NET-365 - СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

10.01.2022 йил

Бухоро ш.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания ) номидан 05.01.2021 йилдаги 27-01-14/16 - сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Бухоро филиали директори Турдиев Халил Жахонкулович (кейинги ўринларда-Оператор) бир томондан ва Бухарский Государственный Университет номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Бухарский Государственный Университет (кейинги ўринларда-Абонент) иккинчи томондан, (кейинги ўринларда биргаликда-Томонлар) телекоммуникация хизматлар кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда Шартнома) туздилар:

### 1.Шартнома предмети

1.1.Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367- 369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептиши) ҳисобланади.

1.2.Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3.Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан тиланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигини келиб чиққан ҳолда белгиланади.

### 2.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1.Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2.Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3.Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

### 3.Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 ( бир юз) фонт** миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан тиланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир тиланган хизмат тури учун асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан тиланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 66 000 000 (Олти юз кўч миля) сўми ташкил этади. Ушбу сумма 22 000 000 (Иккитўрт юз кўч миля) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда \_\_\_\_\_ ( ) миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамидан хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блоқировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блоқировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида рекламма акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўлалиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.



Предоставляемые услуги

1. Перечень услуг и тарифы на них

Единица измерения Национальная валюта – Сум

№	Наименование услуг	цена (стоимость), с учетом НДС, (сум)	обоснование	кол- во	сумма, с учетом НДС, сум
1	2	3	4	5	6
<b>I. Единовременные (разовые) платежи</b>					
<b>II. Ежемесячная абонентская плата</b>					
2.1	Абонентская плата за услуги интернет по тарифному плану Минвуз 600	4 500 000.00	Прейскурант	1	4 500 000.00
2.2	Абонентская плата за услуги интернет по тарифному плану Минвуз 300	2 500 000.00	Прейскурант	2	5 000 000.00
2.3	Абонентская плата за услуги интернет по тарифному плану Corporate-5	700 000.00	Прейскурант	1	700 000.00
2.4	Абонентская плата за услуги интернет по тарифному плану Corporate-4	450 000.00	Прейскурант	2	900 000.00
2.5	Абонентская плата за услуги интернет по тарифному плану Corporate-7	1 000 000.00	Прейскурант	4	4 000 000.00
2.6	Абонентская плата за услуги интернет по тарифному плану Corporate-2	270 000.00	Прейскурант	1	270 000.00
2.7	Абонентская плата за услуги VPN по тарифному плану xDSL (Республика)	130 000.00	Прейскурант	1	130 000.00
2.8	Статический IP	20 000.00	Прейскурант	8	160 000.00
<b>ВСЕГО (предоплата):</b>					<b>15 680 000.00</b>

Всего предоплата: 15 680 000.00 (Пятнадцать миллионов шестьсот восемьдесят тысяч сум.00 тийин)  
в том числе НДС: 15 %.

"Оператор"

"Абонент"

Бухарский филиал АК "Узбектелеком"

Бухарский Государственный Университет



Директор Турдиев Х.Ж



О. Калмуров